



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 1 » апрель

№ ПҚ–147

### **Ижод мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Бадий адабиёт ва бошқа ижод соҳаларига меҳр қўйган иқтидорли ёшларни саралаш ва тарбиялаш, уларнинг истеъдодини ривожлантириш, келажакда ўзбек адабиёти ва санъати, оммавий ахборот воситалари учун муносиб кадрлар тайёрлаш, миллий ўзлигимиз, она Ватанимиз ва халқимизга садоқатли етук ижодкорларнинг янги авлодини камол топтириш мақсадида:

**1. Белгилансинки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб** Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактабларида (кейинги ўринларда – ижод мактаблари):

ижтимоий ва ижодий фаол, кенг жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган адиблар ва жамоат арбоблари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилади;

маҳорат дарслари учун тўланадиган бир марталик тўлов Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан, уларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга оширилади;

жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига бадий таржима қилиш мақсадида **“Ёш таржимонлар”** клублари фаолияти йўлга қўйилади;

мумтоз адабиётимиз, жумладан, жадид маърифатпарварларининг Ватанимиз тарихида чуқур из қолдирган бой илмий меросини ўрганиш мақсадида амалдаги таянч ўқув режаси доирасида **“Матншунослик”** дарслари ташкил этилади;

ҳар йили икки мартаба ўқувчиларнинг **“Ижод боғидан гулдаста”** номли тўпламларини нашр этиш амалиёти йўлга қўйилади;

Ўқувчиларда ахлоқий, ижтимоий-эмоционал ва эстетик дидни ривожлантириш мақсадида “Тасвирий санъат ва чизмачилик” фани негизда **“Санъат” (ART) фани** киритилади;

Ўқувчиларнинг сунъий интеллект ва робототехника йўналишига қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг яратувчанлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида **7–9-синфларнинг “Технология”** фани доирасида **робототехника** асослари ўргатилади;

“Тасвирий санъат ва чизмачилик” ҳамда “Муסיқа” фанларидан дарс берадиган педагог кадрларнинг **малака тоифалари “Санъат” (ART) фанига**, “Информатика ва ахборот технологиялари” фанидан дарс берадиган педагог кадрларнинг малака тоифалари эса – **“Технология”** фанига ҳам татбиқ этилади;

ижод мактаблари ўқувчиларини ўз ижодий фаолият натижаларини, жумладан ижтимоий тармоқларда ва онлайн платформаларда тижоратлаштиришга ўргатиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.

**2. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида бадиий адабиёт ва санъат соҳасида **иқтидорли ёшларни саралашга қаратилган кўрик-танлов** ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

кўрик-танлов ҳар йили **туман (шаҳар) ва вилоят** босқичларида ўтказилади;

танловнинг вилоят босқичида совринли **1-, 2- ва 3-ўринларни** қўлга киритган **6-синф ўқувчилари** ижод мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинади;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**3. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова):**

а) Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ҳамда бандлигини таъминлаш мақсадида **ижод мактабларининг ижодий ташкилотлар билан** ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

б) **2024 йил 1 сентябрдан** бошлаб ижод мактабларининг 10- ва 11-синф ўқувчиларини:

Маданий мерос агентлиги (Б.Абдикаримов) билан биргаликда гид, таҳрирчи ва реставратор ёрдамчиси касбларига;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Джурабаев) билан биргаликда теле- ва радиоканалларда режиссёр ёрдамчиси, овоз ёзиш режиссёри ассистенти, муҳаррир ёрдамчиси ҳамда репортёр касбларига;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) билан биргаликда босма нашриётларда муҳаррир ва дизайнер касбларига;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва унинг ҳудудлардаги филиаллари билан биргаликда сканерлаш ва рақамлаштириш ҳамда рақамлаштирилган ресурсларни қайта ишлашга оид касбларга;

Маданият вазирлиги (О.Назарбеков) билан биргаликда театрларда санъатшунослик, актёрлик санъати, режиссёрлик, халқ ижодиёти соҳаларидаги касбларга **ўргатиш бўйича амалий дарсларни** жорий қилсин.

Белгилаб қўйилсинки, касбларга ўргатиш бўйича дарслар амалдаги таянч ўқув режага ажратилган **дарс соатлари ва (ёки) дарсдан ташқари** машғулотлар доирасида амалга оширилади.

**4. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) ҳар йили:**

“**Менинг биринчи китобим**” лойиҳаси доирасида ҳар бир ижод мактабидан камида **икки нафар** ўқувчининг ижодий ишлар тўпламини нашр этиш чораларини кўрсин;

анъанавий “**Зомин семинари**”да ҳар бир ижод мактабидан камида **5 нафардан** ижодкор ўқувчиларнинг иштирокини таъминласин.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев) ҳар бир ижод мактабини “**Туркий адабиёт дурдоналари**” номли 100 жилддан иборат китоблар мажмуаси билан таъминласин.

**5. Ижод мактаблари 1-иловада кўрсатилган олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарига** бириктирилсин.

Қуйидагилар:

а) 1-иловада кўрсатилган олий таълим муассасалари:

**2024 йил 1 майга** қадар бириктирилган ижод мактабларида олий таълим муассасаси тил, адабиёт ва хорижий тиллар йўналишлари бўйича **кафедраларининг бўлинмаларини ташкил этсин;**

**2024 йил 1 сентябрга қадар “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ижод мактаблари ўқитувчиларининг касбий ва илмий-ижодий маҳоратини ошириш** чораларини кўрсин;

**2024/2025 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили соҳа ривожига катта ҳисса қўшган ижодкорларга бағишланган кўрик-танлов ва фан олимпиадаларини ташкил қилсин;**

ижод мактаблари ўқувчилари учун миллий қадрият ва анъаналарни кенг тарғиб этишга қаратилган **маданий-маърифий кечалар, маҳорат дарслари ва ижодий учрашувлар** ташкил қилсин;

б) 1-иловада кўрсатилган Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари:

**2024 йил 1 сентябрга қадар ҳар бир ижод мактабига хорижий тил бўйича камида иккитадан мутахассисларни жалб қилсин;**

ижод мактабларига хорижий давлатлардаги халқаро мактаблар билан **ўқувчи алмашиш дастурларини** амалга оширишга кўмаклашсин;

2024–2025 йиллар давомида ижод мактабларининг камида **50 нафар ўқитувчиларининг** хорижий илфोर таълим муассасаларида малака оширишларини ташкил этсин;

ижод мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчиларини турли йўналишдаги халқаро конференциялар, анжуманлар, **фан олимпиадалари, танловлар, ихтисосликка оид кўргазмаларда** иштирок этиш учун жалб қилсин;

**2024 йил 1 сентябрга қадар** ижод мактаблари кутубхона фондиди хорижий адабиётлар билан бойитиш чораларини кўрсин ҳамда уларга етакчи хорижий ахборот-кутубхоналари билан алоқа ўрнатишга кўмаклашсин.

Белгилансинки, ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган чора-тадбирлар – тегишли олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, “б” кичик бандидаги тадбирлар – Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

#### **6. Қуйидагилар:**

ижод мактабларида таълим-тарбия жараёни ҳамда дарсдан ташқари машғулотларнинг сифатини яхшилаш, педагог кадрлар салоҳиятини оширишни тизимли ташкил этишга қаратилган **Ижод мактабларини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари** 2-иловага мувофиқ;

Ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда таълим сифати натижадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги директори А.Т. Уббиевга мақсадли кўрсаткичларга эришилиши юзасидан **шахсий жавобгарлик** юклатилсин.

**7.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**8.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири Х.У. Умарова белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактабларига бириктирилган  
олий таълим муассасалари ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари  
рўйхати

Т/р	Ижод мактаблари	Олий таълим муассасалари	Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари
1.	Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби	А.Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси
2.	Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби	Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат консерваторияси	Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси
3.	Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби	Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, Ўзбекистон давлат хореография академияси	Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси
4.	Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби	Андижон давлат чет тиллар институти, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	Ўзбекистон Республикасининг Япониядаги элчихонаси
5.	Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби	Қарши давлат университети, Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти	Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси
6.	Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби	Наманган давлат университети, Наманган давлат чет тиллар институти	Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси

Т/р	Ижод мактаблари	Олий таълим муассасалари	Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналари
7.	Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби	Фарғона давлат университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти	Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги элчихонаси
8.	Муҳаммад Ризо Огаҳий номидаги ижод мактаби	Урганч давлат университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети	Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги элчихонаси
9.	Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби	Тошкент давлат шарқшунослик университети, Қамолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти	Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Араб Амирликларидаги элчихонаси

Ижод мактабларини ривожлантиришнинг  
мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида			
			2024	2025	2026	2027
<b>I. Ижод мактаблари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>						
1.	Ижод мактабларида <b>иккинчи чет тилини</b> ўқитишни жорий этиш.	<b>фоизда</b> (жами <i>ижод мактабларига нисбатан</i> )	75	100	100	100
2.	Ижод мактабларида <b>халқаро сертификатларга</b> (IELTS, SEFR, TOEFL ва бошқа) эга ўқитувчилар улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами <i>чет тили ўқитувчилари сонига нисбатан</i> )	50	65	75	85
3.	Чет тилларидан <b>CEFR талаблари</b> асосида B2 ва B2+ даражадаги <b>сертификатга</b> эга битирувчилар улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами <i>битирувчилар сонига нисбатан</i> )	50	60	70	80
4.	Иккинчи хорижий тилни ўрганиб, <b>CEFR талаблари</b> асосида B2 ва B2+ даражадаги сертификатга эга битирувчилар улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами <i>битирувчилар сонига нисбатан</i> )	-	-	5	10
5.	Ижод мактабларида фаолият юритадиган ўқитувчилар орасида <b>олий тоифага эга ўқитувчилар</b> улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами <i>ўқитувчилар сонига нисбатан</i> )	55	60	65	70



Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида			
			2024	2025	2026	2027
6.	Ижод мактабларида фаолият юритадиган тарбиячилар орасида олий маълумотга эга тарбиячилар улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами тарбиячилар сонига нисбатан)	93	95	97	100
7.	Ўзбек тили ва адабиёти фанини билиш даражаси бўйича миллий <b>сертификат</b> ларга эга ўқитувчилар улушини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами она тили фани ўқитувчилари сонига нисбатан)	30	40	55	65
8.	Ўзбек тили ва адабиёти фанини билиш даражаси бўйича миллий <b>сертификат</b> ларга эга ижод мактаблари битирувчилари сонини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами битирувчилар сонига нисбатан)	20	30	40	50
9.	Ижод мактабларида <b>драма клублари</b> ни ташкил этиш.	мактаблар сони	5	9	9	9
10.	Ижод мактабларида <b>замонавий тўғарақларга</b> ўқувчилар қамровини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами ўқувчилар сонига нисбатан)	30	40	50	60
11.	Республика фан олимпиадасининг ҳудудий (учинчи) bosқичида совринли ўринларни қўлга киритиш. (Халқаро онлайн ва офлайн олимпиадалар мақомидан келиб чиқиб инobatга олинади)	<b>фоизда</b> (жами иштирокчилар сонига нисбатан)	10	12	15	18
12.	Ўзбек мумтоз ва жаҳон адабиёти (100 номда) дурдона асарларини аудио китоб шаклига ўтказиш.	та	25	45	70	100
<b>II. Бириктирилган олий таълим муассасалари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>						
13.	Олий таълим муассасалари томонидан ўтказиладиган фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда ўқувчилар қамровини ошириш.	<b>фоизда</b> (жами ўқувчилар сонига нисбатан)	10	15	20	25

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар кесимида			
			2024	2025	2026	2027
<b>III. Ёзувчилар уюшмаси томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар</b>						
14.	Ўқувчиларнинг ижодий ишлар тўпламларини чоп этиш.	та	9	18	18	18
15.	Умумтаълим мактабларининг 3-10-синфларида таълим олаётган ижодкор ўқувчилар базасини шакллантириш.	нафар	2 000	3 000	4 000	6 000
16.	Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ижодий кўрик-танловларни ўтказиш.	та	2	2	3	4
17.	Ижод мактаблари ўқувчиларининг ижодий ишларини “Бадий кенгаш” да кўриб чиқиш ва хулоса тайёрлаш.	та	9	12	14	19

Ижод мактаблари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда таълим сифати натижадорлигини ошириш бўйича  
“Йўл харитаси”

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро учун масъуллар
1.	Ижод мактаблари тўғрисидаги низомни такомиллаштириш.	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ижод мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда: ижод мактаблари тўғрисида низом лойиҳасини; ижод мактаблари фаолиятини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқлашни назарда тутиш.	2024 йил август	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев), Адлия вазирлиги (А.Тошқулов)
2.	Ижод мактабларида ишловчи меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш.	1. Ижод мактаблари ходимларини рағбатлантириш жамғармасига ажратилган маблағлардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Ижод мактабларининг маъмурий-бошқарув, педагогик, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини амалиётга жорий этиш.	2024 йил май 2024 йил сентябрь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О.Фозилкаримов), Адлия вазирлиги (А.Тошқулов)
3.	Ижод мактабларининг намунавий штатлар жадвалини тасдиқлаш.	1. Ижод мактабларининг амалдаги штатлар жадвалини таҳлил қилиш ҳамда янги таҳрирдаги намунавий штатлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2024 йил декабрь	–	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова),

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро учун масъуллар
		<p>2. Ижод мактаблари намунавий штатлар жадвалини амалиётга жорий этиш.</p>	2025 йил январь		Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (О. Фозилкаримов), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б.Мусаев)
4.	<p>Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабини ихтисослик фанларидан қорақалпоқ тилидаги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш.</p>	<p>1. Қорақалпоқ тилидаги янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини яратиш мақсадида муаллифлар гуруҳларини шакллантириш. 2. Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда янги авлод дарсликлари ва ўқув қўлланмаларини босқичма-босқич ишлаб чиқиш, уларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш. 3. Ижод мактабини халқаро талаблар асосида тайёрланган қорақалпоқ тилидаги дарсликлар билан босқичма-босқич таъминлаш.</p>	2024 йил май  2025 йилдан бошлаб  2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев)
5.	<p>Умумий ўрта таълим муассасалари 6-синф ўқувчилари ўртасида бадий адабиёт ва санъат соҳасида иқтидорлиларини аниқлашга қаратилган кўрик-танловлар ўтказиш.</p>	<p>1. Адабиёт ва санъат соҳасида иқтидорли ўқувчиларни аниқлашга қаратилган кўрик-танловлар ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: ҳар йили туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини ўтказишни; танловнинг вилоят босқичида совринли ўринларни қўлга киритган ўқувчиларнинг (1-,2-,3-ўрин) ижод мактабларига умумий қабул параметрлари доирасида кириш имтиҳонисиз ўқишга қабул қилинишини назарда тутиш. 2. Кўрик-танловларни юқори савияда ташкил этиш, фолибларини муносиб тақдирлаш.</p>	2024 йил октябрь	Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш мuddати	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро учун масъуллар
6.	Ижод мактабларида ижтимоий ва ижодий фаол, кенг жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган адиблар ва жамоат арбоблари иштирокида маҳорат дарслари ўтказишни тизимли ташкил этиш.	<p>3. Танлов натижаларидан келиб чиқиб, адабиёт ва санъат соҳасида кичик ёшдаги иқтидорли ўқувчилар базасини яратиш.</p> <p>1. Маҳорат дарсларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Маҳорат дарсларини олиб борувчи шахсларга қўйиладиган талабларни белгилаш.</p> <p>3. Маҳорат дарсларини олиб борувчи шахсларни танлаш.</p> <p>4. Маҳорат дарсларини тизимли равишда ўтказиш.</p>	2025 йилдан бошлаб 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов)
7.	Ижод мактаблари ўқувчиларининг ижодий ишларини доимий чоп этиш тизимини йўлга қўйиш.	<p>1. Ўқувчиларнинг ижодий ишларини нашр этиш тартибини белгилаш.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг ижодий ишларини тўплаш ва таҳрир қилиш бўйича ишчи гуруҳни шакллантириш.</p> <p>3. Ўқувчиларнинг ижодий ишлари тўпламини нашр этиш.</p>	2024 йил май 2024 йил ноябрь ҳар йили	Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов)
8.	Ижод мактаблари ўртасида рақобатни шакллантириш.	<p>1. Ижод мактаблари фаолияти натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>2. Ижод мактаблари фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларнинг рейтингини аниқлаш.</p> <p>3. Рейтинг бўйича энг яхши натижа кўрсатган ижод мактаблари раҳбарларини рағбатлантириш тизимини жорий этиш.</p>	2024 йил май ҳар йили август 2024-2025 йўқув йилидан бошлаб	Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев)

Т/р	Чора-тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Молиялаш-тириш манбаи	Ижро учун масъуллар
9.	Ижод мактабларининг таълим жараёнларини халқаро таълим ташкилотлари талабларига мувофиқлаштириш.	<p>1. Ишчи гуруҳ тузган ҳолда халқаро таълим ташкилотлари талабларини ўрганиш.</p> <p>2. Ўрганиш якунларидан келиб чиқиб, таълим жараёнлари халқаро таълим ташкилотлари талабларига мувофиқлаштирилаётган ижод мактабларини белгилаш ҳамда тегишли халқаро таълим ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш.</p> <p>3. Ижод мактабларининг таълим жараёнларини босқичма-босқич халқаро талабларга мувофиқлаштириш.</p>	2024 йил май 2024 йил август  2024–2030 йиллар	Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев)
10.	Ижод мактаблари ўқувчиларининг ўз ижодий фаолиятини тижоратлаштиришга ўргатиш.	<p>1. Ижод мактаблари ўқувчиларининг ўз ижодий фаолиятини тижоратлаштиришга ўргатиш режасини ишлаб чиқиш ва масъулларни белгилаш.</p> <p>2. Режа асосида ўқувчилар учун амалий машғулотлар ташкил этиш.</p> <p>Бунда, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ижтимоий тармоқларда ва онлайн видео платформаларда тижоратлаштиришни назарда тутиш.</p>	2024 йил май  2024 йил майдан бошлаб	–	Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги (А.Уббиев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.Саъдуллаев)





# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 1 » апреля

№ ПП-147

## О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности творческих школ

В целях отбора, воспитания и развития таланта творческой молодежи, увлекающейся художественной литературой и другими творческими сферами, подготовки в будущем достойных кадров для узбекской литературы и искусства, средств массовой информации, воспитания нового поколения представителей творчества, преданных национальному самосознанию, Родине и народу:

**1. Установить, что начиная с 2024/2025 учебного года** в творческих школах системы Агентства специализированных образовательных учреждений (далее – творческие школы):

проводятся мастер-классы с участием общественно и творчески активных литераторов и общественных деятелей, пользующихся уважением среди широкой общественности;

единовременный платеж, выплачиваемый за проведенные мастер-классы, осуществляется за счет Фонда поддержки одаренной молодежи при Агентстве специализированных образовательных учреждений, а расходы, связанные с их служебными командировками, – Союзом писателей Узбекистана;

в целях художественного перевода на узбекский язык лучших произведений мировой литературы организуется деятельность клубов **«Молодые переводчики»**;

в целях изучения классической литературы, в том числе богатого научного наследия джадидов-просветителей, оставивших глубокий след в истории Родины, организуются уроки **«Текстоведение»** в рамках действующего опорного учебного плана;

налаживается практика издания два раза в год сборников учащихся под наименованием **«Ижод богидан гулдаста»**;

в целях развития у учащихся нравственного, социально-эмоционального и эстетического вкуса на базе предмета «Изобразительное искусство и черчение» внедряется **предмет «Искусство» («ART»)**;

в целях поддержки интересов учащихся в направлении искусственного интеллекта и робототехники и формирования в них навыков изобретательства **в 7–9-х классах в рамках предмета «Технология»** осуществляется обучение основам **робототехники**;

**квалификационные категории педагогических кадров, преподающих предмет «Изобразительное искусство и черчение» и «Музыка», распространяются также на предмет «Искусство» («ART»), квалификационные категории педагогических кадров, преподающих предмет «Информатика и информационные технологии», – на предмет «Технология»;**

проводятся практические занятия по обучению учащихся творческих школ коммерциализации результатов своей творческой деятельности, в частности в социальных сетях и на онлайн-платформах.

**2. Одобрить предложение Министерства дошкольного и школьного образования и Союза писателей Узбекистана о проведении начиная с 2024/2025 учебного года смотра-конкурса среди учащихся общеобразовательных средних учреждений, направленного на отбор творческой молодежи в области художественной литературы и искусства.**

Определить, что:

смотр-конкурс проводится ежегодно **на районном (городском) и областном** этапах;

учащиеся **6-х классов**, занявших призовые **1-е, 2-е и 3-е места** на областном этапе конкурса, принимаются на учебу в творческие школы без экзаменов в рамках общих параметров приема;

расходы, связанные с организацией и проведением конкурса, осуществляются за счет Фонда поддержки одаренной молодежи при Агентстве специализированных образовательных учреждений.

**3. Министерству дошкольного и школьного образования (Умарова Х.):**

а) совместно с Союзом писателей Узбекистана (Саидов С.) в целях развития творческих способностей и обеспечения занятости учащихся наладить взаимное сотрудничество между **творческими школами и творческими организациями**;



б) с **1 сентября 2024 года** внедрить **практические занятия по обучению** учащихся 10-х и 11-х классов творческих школ профессиям, в соответствии с которыми осуществляется подготовка учащихся:

совместно с Агентством культурного наследия (Абдикаримов Б.) – к профессиям гида, редактора и помощника реставратора;

совместно с Национальной телерадиокомпанией Узбекистана (Джурабаев А.) – к профессиям помощника режиссера на теле- и радиоканалах, ассистента режиссера звукозаписи, помощника редактора, а также репортера;

совместно с Агентством информации и массовых коммуникаций (Ходжаев А.) – к профессиям редактора и дизайнера в печатных изданиях;

совместно с Национальной библиотекой Узбекистана имени Алишера Навои и ее филиалами в регионах – к профессиям в области сканирования и оцифровки, а также обработки оцифрованных ресурсов;

совместно с Министерством культуры (Назарбеков О.) – к профессиям искусствоведа в театрах, актерского искусства, режиссуры, в сфере народного творчества.

Установить, что занятия по обучению профессиям проводятся **в рамках учебных часов и (или) внеурочных занятий**, выделенных на действующий опорный учебный план.

**4. Союзу писателей Узбекистана (Саидов С.)** ежегодно:

принимать меры по изданию сборника творческих работ минимум **двух учащихся** каждой творческой школы в рамках проекта **«Менинг биринчи китобим»** («Моя первая книга»);

обеспечить участие в традиционном **Зааминском семинаре** минимум **5 талантливых учащихся** из каждой творческой школы.

Агентству информации и массовых коммуникаций (Ходжаев А.) обеспечить каждую творческую школу комплектом книг **«Туркий адабиётлар дурдоналари»**, состоящим из 100 томов.

**5. Прикрепить творческие школы к высшим образовательным учреждениям и посольствам Республики Узбекистан в зарубежных государствах**, указанным в приложении № 1.

Нижеследующим:

а) высшим образовательным учреждениям, указанным в приложении № 1:

**до 1 мая 2024 года создать** в прикрепленных творческих школах **отделений кафедр** высших образовательных учреждений по таким направлениям, как «язык», «литература» и «иностранные языки»;

**до 1 сентября 2024 года** на основе традиции «наставник – ученик» принять меры **по повышению профессионального и научно-творческого мастерства** учащихся творческих школ;

**начиная с 2024/2025 учебного года ежегодно** организовывать смотры-конкурсы и предметные олимпиады, посвященные представителям творчества, внесшим огромный вклад в развитие сферы;

организовывать для учащихся творческих школ **культурно-просветительские вечера, мастер-классы и творческие встречи**, направленные на широкую пропаганду национальных ценностей и традиций;

б) посольствам Республики Узбекистан в зарубежных государствах, указанным в приложении № 1:

**до 1 сентября 2024 года** привлечь в каждую творческую школу минимум **по два специалиста** по иностранному языку;

оказывать содействие творческим школам в осуществлении **программ обмена учащимися** с международными школами зарубежных государств;

в течение 2024–2025 годов организовать повышение квалификации минимум **50 преподавателей** творческих школ в зарубежных передовых образовательных учреждениях;

привлекать преподавателей и учащихся творческих школ к участию **в международных конференциях, симпозиумах, предметных олимпиадах, конкурсах, специализированных выставках** в разных направлениях;

**до 1 сентября 2024 года** принять меры по пополнению библиотечного фонда творческих школ зарубежной литературой, а также оказывать содействие им в установлении связей с ведущими зарубежными информационными библиотеками.

Установить, что меры, предусмотренные в подпункте «а» настоящего пункта, финансируются за счет внебюджетных средств соответствующего высшего образовательного учреждения, мероприятия, предусмотренные в подпункте «б», – за счет средств Фонда развития органов дипломатической службы Республики Узбекистан Министерства иностранных дел.

6. Утвердить:

**Целевые показатели развития творческих школ**, направленные на улучшение качества образовательно-воспитательного процесса и внеурочных занятий в творческих школах, системную организацию повышения потенциала педагогических кадров, согласно приложению № 2;

**«Дорожную карту»** по эффективной организации деятельности творческих школ и повышению результативности качества образования согласно приложению № 3.

Возложить на директора Агентства специализированных образовательных учреждений Уббиева А.Т. **персональную ответственность** за достижение целевых показателей.

7. Министерству дошкольного и школьного образования совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами в трехмесячный срок внести в Кабинет Министров предложения об изменениях и дополнениях в акты законодательства, вытекающих из настоящего постановления.

8. Возложить на министра дошкольного и школьного образования Умарову Х.У. персональную ответственность за эффективную организацию исполнения настоящего постановления.

Контроль за исполнением настоящего постановления, осуществление координации за деятельностью организаций, ответственных за его исполнение, возложить на Премьер-министра Республики Узбекистан Арипова А.Н.

Президент  
Республики Узбекистан



Ш. Мирзиёев

город Ташкент

**Перечень  
высших образовательных учреждений и посольств Республики Узбекистан в зарубежных государствах,  
прикрепленных к творческим школам в системе Агентства специализированных образовательных учреждений**

<b>№</b>	<b>Творческие школы</b>	<b>Высшие образовательные учреждения</b>	<b>Посольства Республики Узбекистан в зарубежных государствах</b>
1.	Творческая школа имени Халимы Худойбердиевой	Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени А. Навои, Узбекский государственный университет мировых языков	Посольство Республики Узбекистан в Китайской Народной Республике
2.	Творческая школа имени Хамида Алимджана и Зульфии	Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека, Государственная консерватория Узбекистана	Посольство Республики Узбекистан в Великобритании
3.	Творческая школа имени Ибрагима Юсупова	Каракалпакский государственный университет имени Бердаха, Государственная академия хореографии Узбекистана	Посольство Республики Узбекистан в Федеративной Республике Германия
4.	Творческая школа имени Мухаммада Юсуфа	Андижанский государственный институт иностранных языков, Государственный институт искусств и культуры Узбекистана	Посольство Республики Узбекистан в Японии
5.	Творческая школа имени Абдуллы Орипова	Каршинский государственный университет, Узбекский национальный институт музыкального искусства имени Юнуса Раджаби	Посольство Республики Узбекистан в Соединенных Штатах Америки

№	Творческие школы	Высшие образовательные учреждения	Посольства Республики Узбекистан в зарубежных государствах
6.	Творческая школа имени Исхокхона Ибрата	Наманганский государственный университет, Наманганский государственный институт иностранных языков	Посольство Республики Узбекистан в Республике Корея
7.	Творческая школа имени Эркина Вохидова	Ферганский государственный университет, Государственный институт искусств и культуры Узбекистана	Посольство Республики Узбекистан во Французской Республике
8.	Творческая школа имени Мухаммада Ризо Огахи	Ургенчский государственный университет, Ташкентский государственный университет востоковедения	Посольство Республики Узбекистан в Турецкой Республике
9.	Творческая школа имени Абдуллы Кадыри	Ташкентский государственный университет востоковедения, Национальный институт художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода	Посольство Республики Узбекистан в Объединенных Арабских Эмиратах

### Целевые показатели развития творческих школ

№	Наименование показателей	Единица измерения	По годам			
			2024	2025	2026	2027
<b>I. Мероприятия, осуществляемые творческими школами</b>						
1.	Внедрение в творческих школах обучения второму иностранному языку.	<b>В процентах</b> (относительно общего количества творческих школ)	75	100	100	100
2.	Увеличение в творческих школах доли преподавателей, имеющих <b>международные сертификаты</b> (IELTS, SEFR, TOEFL и другие).	<b>В процентах</b> (относительно общей численности преподавателей иностранного языка)	50	65	75	85
3.	Увеличение доли выпускников, имеющих <b>сертификат</b> уровня B2 и B2+ на основе требований CEFR по иностранному языкам.	<b>В процентах</b> (относительно общей численности выпускников)	50	60	70	80
4.	Увеличение доли выпускников, имеющих <b>сертификат</b> уровня B2 и B2+ на основе требований CEFR после изучения второго иностранного языка.	<b>В процентах</b> (относительно общей численности выпускников)	–	–	5	10

№	Наименование показателей	Единица измерения	По годам			
			2024	2025	2026	2027
5.	Увеличение доли преподавателей <b>высшей категории</b> среди преподавателей, осуществляющих деятельность в творческих школах.	<b>В процентах</b> (относительно общей численности преподавателей)	55	60	65	70
6.	Увеличение доли воспитателей с высшим образованием среди <b>воспитателей</b> , осуществляющих деятельность в творческих школах.	<b>В процентах</b> (относительно общей численности воспитателей)	93	95	97	100
7.	Увеличение доли преподавателей, имеющих национальные <b>сертификаты</b> по уровню знания предмета «узбекский язык и литература».	<b>В процентах</b> (относительно общей численности преподавателей родного языка)	30	40	55	65
8.	Увеличение численности выпускников творческих школ, имеющих национальные <b>сертификаты</b> по уровню знания предмета «узбекский язык и литература».	<b>В процентах</b> (относительно общей численности выпускников)	20	30	40	50
9.	Создание в творческих школах <b>Драматических клубов</b> .	Количество школ	5	9	9	9
10.	Увеличение охвата учащихся <b>современными кружками</b> в творческих школах.	<b>В процентах</b> (относительно общей численности учащихся)	30	40	50	60

№	Наименование показателей	Единица измерения	По годам			
			2024	2025	2026	2027
11.	Завоевание призовых мест на региональном (третьем) этапе Республиканской предметной олимпиады. (Учитывается исходя из статуса международных онлайн- и офлайн-олимпиад)	В процентах (относительно общей численности участников)	10	12	15	18
12.	Преобразование в формат аудиокниги избранных произведений узбекской классической и мировой литературы (100 наименований).	Единиц	25	45	70	100
<b>II. Мероприятия, осуществляемые прикрепленными высшими образовательными учреждениями</b>						
13.	Увеличение охвата учащихся предметными олимпиадами и смотрами-конкурсами, проводимыми высшими образовательными учреждениями.	В процентах (относительно общей численности учащихся)	10	15	20	25
<b>III. Мероприятия, осуществляемые Союзом писателей</b>						
14.	Издание сборников творческих работ учащихся.	Единиц	9	18	18	18
15.	Формирование базы учащихся – юных литераторов, обучающихся в 3–10-х классах общеобразовательных школ.	Человек	2 000	3 000	4 000	6 000
16.	Проведение творческих смотров-конкурсов среди учащихся общеобразовательных школ.	Единиц	2	2	3	4
17.	Рассмотрение на художественном совете творческих работ учащихся творческих школ и подготовка заключения.	Единиц	9	12	14	19



Приложение № 3

к постановлению Президента Республики Узбекистан  
от 1 апреля 2024 года № ПП-147

«Дорожная карта»

по эффективной организации деятельности творческих школ и повышению результативности качества образования

№	Меры	Механизм реализации	Срок исполнения	Источник финансирования	Ответственные за исполнение
1.	Совершенствование Положения о творческих школах.	Разработка проекта постановления Правительства, предусматривающего утверждение Положения о творческих школах в системе Агентства специализированных образовательных учреждений. При этом предусмотреть утверждение: проекта Положения о творческих школах; проекта Концепции развития деятельности творческих школ до 2030 года.	Август 2024 года	–	Министерство дошкольного и школьного образования (Х. Умарова), Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев), Министерство юстиции (А. Тошкуллов)
2.	Совершенствование системы Дополнительного труда работников, осуществляющих деятельность в творческих школах.	1. Разработка порядка использования средств, выделенных Фонду стимулирования работников творческих школ. 2. Внедрение в практику усовершенствованной системы оплаты труда административно-управленческих, педагогических, учебно-вспомогательных, технических и обслуживающих работников творческих школ.	Май 2024 года Сентябрь 2024 года	–	Министерство дошкольного и школьного образования (Х. Умарова), Министерство экономики и финансов (О. Фозилкаримов),

№	Меры	Механизм реализации	Срок исполнения	Источник финансирования	Ответственные за исполнение
3.	Утверждение типового штатного расписания творческих школ.	<p>1. Анализ действующего штатного расписания, а также разработка и утверждение типовых штатных расписаний творческих школ в новой редакции.</p> <p>2. Внедрение в практику типового штатного расписания творческих школ.</p>	<p>Декабрь 2024 года</p> <p>Январь 2025 года</p>	–	<p>Министерство юстиции (А. Тошкуллов)</p> <p>Министерство дошкольного и школьного образования (Х. Умарова), Министерство экономики и финансов (О. Фозилкаримов), Министерство занятости и сокращения бедности (Б. Мусаев)</p>
4.	Обеспечение творческой школы имени Ибрагима Юсупова учебниками и учебными пособиями по предметам специализации на каракалпакском языке.	<p>1. Формирование авторских групп в целях создания нового поколения учебников и учебных пособий на каракалпакском языке.</p> <p>2. Поэтапная разработка, регулярное совершенствование нового поколения учебников и учебных пособий с изучением зарубежного опыта.</p> <p>3. Поэтапное обеспечение творческой школы учебниками на каракалпакском языке, подготовленными на основе международных требований.</p>	<p>Май 2024 года</p> <p>Начиная с 2025 года</p> <p>Начиная с 2025/2026 учебного года</p>	<p>Средства Фонда поддержки одаренной молодежи</p>	<p>Министерство дошкольного и школьного образования (Х. Умарова), Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Убблев)</p>
5.	Проведение среди учащихся 6-х классов общеобразовательных средних школ смотров-	<p>1. Разработка и утверждение порядка проведения смотров-конкурсов, направленных на выявление одаренных учащихся в области литературы и искусства. При этом предусмотреть:</p>	Октябрь 2024 года	Средства Фонда поддержки одаренной	Министерство дошкольного и школьного образования

№	Меры	Механизм реализации	Срок исполнения	Источник финансирования	Ответственные за исполнение
	<p>конкурсов, направленных на выявление одаренных детей в области художественной литературы и искусства.</p>	<p>проведение ежегодно районных (городских) и областных этапов;  прием учащихся, завоевавших призовые места (1-е, 2-е, 3-е места) на областном этапе конкурса, в творческие школы без вступительных экзаменов в рамках общих параметров приема.  2. Организация смотров-конкурсов на высоком уровне, достойное награждение победителей.  3. Исходя из результатов конкурса создание базы юных одаренных учащихся в области литературы и искусства.</p>	<p>Начиная с 2025 года</p>	<p>молодежи</p>	<p>(Х. Умарова),  Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев),  Союз писателей Узбекистана (С. Саидов)</p>
6.	<p>Системная организация проведения в творческих школах мастер-классов с участием общественно и творчески активных литераторов и общественных деятелей, пользующихся уважением среди широкой общественности.</p>	<p>1. Разработка порядка проведения мастер-классов.  2. Определение требований, предъявляемых к лицам, проводящим мастер-классы.  3. Отбор лиц, ведущих мастер-классы.  4. Проведение мастер-классов на системной основе.</p>	<p>Август 2024 года   Сентябрь 2024 года</p>	<p>Средства Союза писателей Узбекистана и Фонда поддержки одаренной молодежи</p>	<p>Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев),  Союз писателей Узбекистана (С. Саидов)</p>
7.	<p>Налаживание системы регулярной публикации творческих работ учащихся творческих школ.</p>	<p>1. Определение порядка издания творческих работ учащихся.  2. Формирование рабочей группы по сбору и редакции творческих работ учащихся.  3. Издание сборника творческих работ учащихся.</p>	<p>Май 2024 года  Ноябрь 2024 года  Ежегодно</p>	<p>Средства Союза писателей Узбекистана и Фонда поддержки одаренной молодежи</p>	<p>Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев),  Союз писателей Узбекистана (С. Саидов)</p>

№	Меры	Механизм реализации	Срок исполнения	Источник финансирования	Ответственные за исполнение
8.	Формирование здоровой конкуренции среди творческих школ.	<p>1. Разработка и утверждение критериев и порядка оценки результативности деятельности творческих школ.</p> <p>2. Определение рейтинга творческих школ исходя из результативности их деятельности.</p> <p>3. Внедрение системы стимулирования руководителей творческих школ, показавших наилучший результат по рейтингу.</p>	<p>Май 2024 года</p> <p>Ежегодно август</p> <p>Начиная с 2024/2025 учебного года</p>	<p>Средства Фонда поддержки одаренной молодежи</p>	<p>Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев)</p>
9.	Приведение образовательных процессов творческих школ в соответствие с требованиями международных образовательных организаций.	<p>1. Изучение требований международных образовательных организаций с созданием рабочей группы.</p> <p>2. Исходя из итогов изучения определение творческих школ, образовательные процессы которых будут приведены в соответствие с требованиями международных образовательных организаций, а также проведение переговоров с соответствующими международными образовательными организациями.</p> <p>3. Поэтапное приведение образовательных процессов творческих школ в соответствие с международными требованиями.</p>	<p>Май 2024 года</p> <p>Август 2024 года</p> <p>2024–2030 годы</p>	<p>Средства Фонда поддержки одаренной молодежи</p>	<p>Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев)</p>
10.	Обучение учащихся творческих школ коммерциализации своей творческой деятельности.	<p>1. Разработка плана обучения учащихся творческих школ коммерциализации своей творческой деятельности и определение ответственных.</p> <p>2. Организация практических занятий для учащихся на основе плана.</p> <p>При этом предусмотреть коммерциализацию творческой деятельности учащихся в социальных сетях и на онлайн-видеоплатформах.</p>	<p>Май 2024 года</p> <p>Начиная с мая 2024 года</p>	<p>–</p>	<p>Агентство специализированных образовательных учреждений (А. Уббиев), Агентство по делам молодежи (А. Саъдуллоев)</p>

